

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ БИРИНЧИ ФУНДАМЕНТАЛ ХУЖЖАТ

Алимова Гунча Бахадировна

Урганч давлат университети

мустақил тадқиқотчиси.

Телефон: +998 (99) 018 54 33

gb.alimova@inbox.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10432742>

Аннотация: Ушбу мақола умуминсоний хусусиятга эга халқаро ҳуқуқ соҳасидаги биринчи фундаментал ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳақида

Калит сўзлар: БМТ, Пакт, декларация, виждон эркинлиги, эътиқод.

Виждон эркинлигининг тарихий ифодаси, энг аввало, унинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солинишида акс этади. Виждон эркинлиги тушунчасининг ўзи кўп қиррали хусусиятга эга бўлишига қарамай, ушбу тадқиқот контекстида диний эркинлик масалаларига нисбатан ушбу тоифанинг ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Виждон эркинлигини тартибга солувчи умуминсоний хусусиятга эга халқаро ҳуқуқ соҳасидаги биринчи фундаментал ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Умумжаҳон декларацияси қоидалари замонавий демократик давлатларнинг конституцияларини ишлаб чиқиш ва халқаро ҳуқуқ ижодкорлигига асос солди. Унинг 18-моддасида *“Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”*, дея эътироф этилади.

Таркибий жиҳатдан 18-модда икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисми биринчисига ойдинлик киритувчи *“бу ҳуқуқ...”* деган сўзлар билан бошланади. Биринчи қисмда ҳуқуқнинг ўзи эълон қилинади: *“Ҳар ким фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”*. Эътибор беринг, бу ерда учта эркинлик санаб ўтилган: *фикрлаш, виждон ва дин*.

Умумжаҳон декларациясига кўра, виждон, фикр ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи икки шаклда, яъни дин ва эътиқодда амалга оширилади. Эҳтимол, агар биз виждон, фикр ва дин эркинликларини ажратиш мантиғига амал қилсак, унда кенгроқ *“эътиқод”* тушунчаси фикр ва виждон эркинликларини ўз ичига олади, чунки эътиқодлар ҳар доим диний бўлиши шарт эмас.

18-моддада динни эркин танлаш, шунингдек, ўз диний қарашларини турли доктринал, ибодат ва маросим шаклларида намоён этишнинг универсал ҳуқуқи эълон қилинади. Аммо эътибор беринг, Умумжаҳон декларацияси диний эътиқодларни тарқатиш ҳуқуқини тўғридан-тўғри постулат қилмайди. Бу ҳуқуқ одатда 19-моддадан келиб чиқади, унда шундай дейилади: *“Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тусқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”*. Эътиқод доираси диний

эътиқодларни ҳам ўз ичига олишини ҳисобга олсак, бу ерда илгари сурилган нормалар диний қарашларни тарғиб қилиш ҳуқуқини бир хилда бошқаради – бу ҳолатда одатда миссионерлик ёки "прозелитизм"нинг тўлиқ таърифи берилмаган. Декларация ҳар қандай восита билан ғоялар ва маълумотларни тарқатиш ва олиш эркинлигини эълон қилади. Бунинг ўзиёқ ушбу асосий халқаро ҳужжат диний эркинликни тан олади ва уни етарлича кенг қўламда кафолатлайди, деган ҳулосага келишимизга имкон беради.

Бироқ, жамият ва дин ўртасидаги муносабатлар контекстида бу эркинликларнинг чегаралари масаласини алоҳида кўриб чиқиш керак. Бу ерда эътибор 29-моддага (2 қ.): "Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак", дея белгиланган.

Кўриниб турибдики, мазкур ҳужжат эркинликларни, демак, диний эътиқодларни ҳам маълум даражада чеклашга имкон беради. Бу чекловлар давлатлар томонидан яратилиши мумкин, лекин фақат жамиятнинг барча аъзоларининг ҳуқуқларини ифодалаши зарур.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасини шарҳлар экан, барча ҳуқуқлар чекланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Комиссиянинг 22 (48) 110-сонли умумий мулоҳазаларида 18-модданинг мазмунини батафсил расмий изоҳланади: "фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи кенг қамровли ва асосийдир; у ҳар қандай мавзу бўйича фикрлаш эркинлигини, шахсий эътиқодни, жамоат олдида ёки бошқалар билан биргаликда эътиқод қиладиган дин ёки эътиқодга риоя қилишни ўз ичига олади". Сўнгра қайд этиладики, бу эркинликларнинг асосий моҳияти, ҳатто фавқулодда ҳолат даврида ҳам ушбу қондани қисман бекор қилиш мумкин эмаслигида намоён бўлади.

"Умумий мулоҳазалар"да, шунингдек, диний эътиқод эркинлигига нисбатан ҳар қандай чеклашларга фақат динга эътиқод қилиш ҳуқуқига нисбатан йўл қўйилиши қайд қилинган: "18-модда фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлигини ўз дини ёки эътиқодига ишониш эркинлигидан ажратиб туради. У фикр ва виждон эркинлигини, ўзи танлаган динга эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлигини ҳар қандай чеклашларга йўл қўймайди. Ушбу эркинликлар сўзсиздир, шунингдек, 19-модданинг 1-қисмида кўрсатилганидек, ҳар кимга, ўзгаларнинг аралашувисиз, ўз фикрини билдириш ҳуқуқи эътироф этилади. Ҳеч ким дин ёки эътиқод ҳақида ўз фикрини ёки муносабатини билдиришга мажбурланмаслиги керак". Бошқача қилиб айтганда, маросим амалиёти давлат томонидан истисно ҳолларда чекланиши мумкин, аммо диний қарашларга эга бўлиш ҳуқуқи ҳеч қачон чекланмайди. Юқорида таъкидланганидек, виждон эркинлиги икки компонентдан иборат: дунёқараш (эга бўлиш ва ўзгартириш ҳуқуқи) ва ҳаракат (эътироф этиш ва тарқатиш ҳуқуқи). Бу ерда баён этилган тамойилга кўра, эркинликнинг дунёқараш билан боғлиқ таркибий қисми ҳеч қандай шароитда ҳам чекланиши ҳам, бекор қилиниши ҳам мумкин эмас.

Пактнинг ўзи дискриминацияга таъриф бермаса-да, Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия ушбу атаманинг халқаро ҳуқуқдаги умумэътироф этилган маъносига мувофиқ, *"Пактда қўлланиладиган маънодаги дискриминация деганда ҳар қандай фарқлаш, истисно қилиш,*

ирқи, ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣй, туғилиш ёки бошқа шартлар каби ҳар қандай асосда чеклаш ёки афзал қўриш, унинг мақсади ёки тан олинишини бекор қилиш ёки бузишга олиб келадиган ҳаракат” сифатида талқин этади. Виждон эркинлиги тамойилини умумбашарий халқаро миқёсда ривожлантиришнинг муҳим босқичи 1981 йилда қабул қилинган “Дин ёки эътиқодга кўра мурасасизлик ва дискриминациянинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги декларация ҳисобланади. Ушбу ҳужжат диний ҳуқуқларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича энг кенг қамровли ҳужжат бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг диний эркинлик соҳасидаги олдинги фаолиятининг аниқ натижаси бўлди.

References:

1. Тетерятликов Н.Ю. Теоретико-правовые аспекты свободы совести. Дис. ... канд. юр. наук. Екатеринбург. 2002. - С. 16-23.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
3. “Fuqaroviy va siyosiy huquqlar to'g'risida”gi xalqaro pakt // <https://lex.uz/docs/-2640479>
4. Комиссиянинг 22 (48) 110-сонли умумий мулоҳазаларида 18-модда
5. UN Doc. CCPR/C/2 I/Rev. I/Add.4 (1993).